

Хайдаров М.Т.

Муминов Н.Г.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЎЙИЧА АХБОРОТ ПОРТАЛИНИ АМАЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ<sup>1</sup>

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш уларга қулай шарт-шароитларни яратиш Хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодиёт эркинланишини янада жадалаштириш бўйича янги босқичи десак муболаға бўлмайди. Юқоридигилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2011 йилдаги ПҚ-1475-сонли «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори ўз вақтида ва асосли равишда ушбу жараёнга кичик бизнес субъектларини жалб этишни мақсад вазифаларини белгилаб берди.*

**Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.1994 йилдаги №ПФ-772-сонли Фармойишига биноан ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Биржалар ва биржалар фаолияти тўғрисидаги Қонун, Ўз РТХБдаги савдони амалга ошириш тартиби, ва ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра фаолиятини юритади.

**Товар-хом ашё биржаси** деб Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси тушунилади. У Биржанинг электрон савдо тизими оператори ва эгаси бўлиб, савдо майдончаларининг аккредитациясини, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи ва, шунингдек, ҳисоб-клиринг хизматларини амалга оширувчиси ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш уларга қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон РТХБнинг давлат харидларини амалга оширишда қатор вазифалар ва функцияларни

амалга оширишни режалаштирган. Бунда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси давлат харидларининг электрон савдосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги 07.02.2011 й. N ПҚ-1475-сонли Қарорининг №3 иловасига киритилган қуйидаги товар ва хизматларнинг сотилишини ташкиллаштириб беради:

Ўқув қуролларини сотиб олиш (ўқув адабиётидан ташқари);

Қоғоз ва бошқа полиграфия маҳсулотлари;

Транспорт воситаларини капитал ва ўрта таъмирлаш;

Турар ва нотурар жой биноларини капитал ва ўрта таъмирлаш;

Компьютер қурилмалари, ҳисоблаш ва аудио-видеотехника ижараси бўйича харажатлар

Турар ва нотурар жой биноларидан фойдаланиш харажатлари ва жорий таъмирлаш

<sup>1</sup> Ушбу мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси материалларидан фойдаланилди.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш харажатлари ва жорий таъмирлаш

Мебель ва офис жиҳозларидан фойдаланиш харажатлари ва жорий таъмирлаш

Компьютер қурилмалари, ҳисоблаш ва аудио-видеотехникадан фойдаланиш харажатлари ва жорий таъмирлаш

Бошқа машиналар, қурилмалар ва техникадан фойдаланиш харажатлари ва жорий таъмирлаш

Ушбу вазифаларни бажаришда Биржа ўз зиммасига қуйидаги вазифаларни олади:

Биржа - давлат харидларининг электрон савдолар орқали янги, такомиллашган, очиқ ва шаффоф механизмларини амалга оширилишини таъминлайди;

Иштирокчилар ва кузатувчиларнинг очиқ ва ошкора савдоларда қатнашиши, коррупцион алоқаларни ва муносабатларни ўрнатилишига тўсқинлик қилади

Интернет тармоғига уланиш орқали кенг оммани иштирокини таъминлайди.

Ушбу ишларни амалга оширишда брокерлар фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. Брокер — Мижоз номидан битимларни амалга оширувчи биржа аъзосидир. Шу билан баробар, брокерлар мижоз ва Ҳисоб-китоб – клиринг Палатаси билан бир қаторда - биржа савдосининг иштирокчисидир.

Брокерлар масъулияти катта бўлганлиги сабабли, уларга қатор талаблар қўйилади. Улар аввалом бор – биржа тарафидан қабул қилинган касбий тайёргалик ва малака даражасига мувофиқ бўлмоғи лозим, ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси тарафидан бериладиган биржа савдоси қатнашувчисининг касбий аттестатига эга бўлиши керак.

Мижоз ва брокер орасидаги муносабатлар Топшириқ –шартномаси ва ёки Комиссион-шартнома асосида амалга оширилади. Шартномани расмийлаштиришда брокер мижозга биржа савдосида қатнашиш тартибини, шу жумладан биржа савдоси қоидалари ва брокер ва биржа хизматлари учун комиссия тарифлари билан таништириб ўтиши шарт.

Брокер мижознинг топшириқларини қабул қилиши билан биринчи имконияти бўлганидаёқ Шартнома мажбуриятларини бажаришга мажбур. Топшириқни бажаришда, брокер мижоз номини ва унинг ҳисоб рақамини овоза

қилишга ҳаққи йўқ.

Брокер мижознинг топшириғига кўра бажарган битимлар ҳақида уни ўз вақтида хабардор қилиб туриши мажбурий. Мижоз биржадан ўзининг шахсий ҳисоби (субҳисоби) ҳақида маълумотларни талаб қилишга ҳақли.

Давлат харидлари механизмини жорий этишнинг биринчи босқичида брокерларга маҳсулот таъминотчиларига хизмат кўрсатишлари юкланган.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари бир тарафдан, ва давлат харидларини амалга оширувчи бюджет ташкилотлари бошқа тарафдан - брокерлар орқали ишлайдилар, ва брокерлар уларга қонунчилик доирасида зарур бўлган барча ёрдамларини кўрсатадилар. Брокерлар таъминотчиларни рўйхатга олинишларида ва савдода қатнашишлари учун буюртмалар қабул қилишларига кўмаклашишлари назарда тутилган.

Биржа орқали савдо сотиқ ишларини амалга оширишда Савдо майдонча катта аҳамиятга эга. Биржанинг савдо майдончаси - юридик шахс бўлиб, биржа билан имзоланган шартнома асосида фаолият юритади. Улар биржа тарафидан ўрнатилган аккредитация жараёнидан ўтган бўлишади ва электрон биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларига қатнашувини ташкил этишади ва шартномаларни рўйхатга олиш бўйича хизмат кўрсатишади.

Савдо майдончасининг асосий вазифаси - ташкилот ва корхоналарга моддий-техник ресурслар ва товарларни харид қилиш ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни сотишга кўмак бериш мақсадида биржа ва кўргазма-ярмаркалар савдосида қатнашишларини ташкил этиш.

Савдо майдончаларининг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

биржа ва кўргазма-ярмарка савдо қатнашчиларига биржанинг ягона электрон савдо тизимига савдо майдончасининг компьютер терминаллари орқали фойдаланиш имконини яратиш;

Брокерлар ва Савдо майдончаси мижозларига консультив-маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

Биржа ва кўргазма-ярмарка савдо натижаларида тузилган Республика ички, импорт ва экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

Биржа ва кўргазма-ярмарка савдо қатнашчиларига ахборот хизматларини кўрсатиш;

Савдо қатнашчиларига бошқа хизматларни кўрсатиш.

Савдо майдончалари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ва турли мулк шаклдаги юридик шахслар тарафидан уларнинг ташаббуслари билан ташкил этилади. Биржа савдо майдончаси ва савдо иштирокчилари фаолиятини услубий жиҳатдан бошқаради ва ҳисоб-клиринг хизматларини амалга оширади.

**Биржанинг савдо майдончаси статуси** ва у билан боғлиқ ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақдим этиш талабгор -ташкilotнинг аризаси ва талабгор-ташкilot ва Биржа ўртасида имзоланган шартнома асосида амалга оширилади.

Талабгор-ташкilot Биржанинг Савдо майдончаси талабларига молиявий ва мулкий мутаносиблигини, тегишли моддий-техник базаси ва персоналнинг малакаси қониқарлилигини тасдиқлаши зарур.

Давлат харидлари механизмини жорий

этишнинг биринчи босқичида савдо майдончалари буюртмачиларга, яъни давлат ва бюджет ташкilotларига, хизмат кўрсатиши назарда тутган.

Буюртмачи ўзига энг яқин бўлган савдо майдончасига мурожаат қилиб, савдо майдончаси регистратори (яъни савдо майдончасининг тўлақонли вакили)дан савдо билан боғлиқ барча масалалар бўйича ёрдам олиши мумкин.

Давлат харидларини амалга оширишнинг биринчи босқичида буюртма бериш жараёни:

“Буюртмачи” унга ҳудудий жиҳатдан энг яқин бўлган Савдо майдончасига ёки унга бириктирилган “Брокер”га мурожаат қилади


“Брокер” ва “Буюртмачи” стандарт шартнома-топшириқнома имзолайдилар

“Брокер” “Агент” ваколатини олади ва тизимда “Буюртмачи” номидан фаолият юритади


Давлат харидларини амалга оширишнинг иккинчи босқичида буюртма бериш жараёни:

“Буюртмачи” биржада аккредитациядан ўтган “Агент”га мурожаат қилади, ёки ўз ваки-

Ўзаро муносабатлар схемаси



Ўзаро муносабатлар схемаси



\* - Савдо майдончаси

лини биржага жойлаштиради

“Агент” тизимда “Буюртмачи” номидан фаолият юритади

Давлат харидларининг биринчи босқичида таъминотчи буюртмаларини бериш жараёнида:

“Таъминотчи” товар хом ашё биржасининг [www.uzex.com](http://www.uzex.com) сайтидан ўзига тўғри келадиган “Брокер”ни танлайди

“Брокер” ва “Таъминотчи” стандарт шартнома-топшириқнома имзолайдилар

“Брокер” “Агент” ваколатини олади ва тизимда “Таъминотчи” номидан фаолият юритади

Давлат харидларининг иккинчи босқичида таъминотчи буюртмаларини бериш жараёни:

“Таъминотчи” биржада аккредитациядан ўтган “Агент”га мурожаат қилади, ёки ўз вақилини биржада жойлаштиради

“Агент” тизимда “Таъминотчи” номидан фаолият юритади

Савдо тизими Порталига кириб бориш ва ишлаш куйида келтирилган тартибда амалга оширилади:

Давлат харидларининг Ахборот портали орқали кирилади. Порталнинг Бош саҳифасида GZ белгиси қўйилган катта яшил кнопка (рус версиясида) ва ДХ (ўзбекча версиясида)<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Ахборот учун Интернет тармоғидаги Давлат харидларини амалга ошириш учун мурожаат қилиш ахборот порталларининг манзиллари: [xarid.uz](http://xarid.uz); [davlatxarid.uz](http://davlatxarid.uz); [zakupki.uz](http://zakupki.uz); [goszakupki.uz](http://goszakupki.uz)

Буюртмалар қуйидаги келтирилган ҳолларда ўрнатилган тартибда тақдим этилади:


Бюджет ташкилотлари товарларининг ва буюртмаларнинг қиймати 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача бўлган ҳолларда сотиб олишни электрон савдо тизими орқали амалга оширишлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун биржа томондан аккредитациядан ўтган агентга мурожаат қилиш мумкин, агент буюртмани жойлаштиришга ёрдам беради, ёки давлат харидлари бўйича таъминотчиларнинг маълумотларини жойлаштиради.

Биринчи босқичда аккредитациядан ўтган агентлар вазибаларини Ўзбекистон товар хом ашё биржаси брокерлари бажаришади.

Давлат харидларини амалга ошириш бу тижорий жараён бўлиб маълум таваккалчилик ва рисклардан холи эмас. Масалан товарларни олувчилар ва ёки сотувчилар келишилган шартномаларни бажаришдан бош тортишлари мумкин. Ва лекин ушбу шартномани тайёрлаш, юридик жиҳатдан мувофиқлаштириш ва биржанинг турли муассасалари билан келиштириш билан боғлиқ, брокерларни маълум ҳаракатлари ва харажатлари сарфланади. Ушбу вақт ва маблағ ҳаракатларнинг зое кетмаслиги маълум жиҳатдан сотувчи ва олувчи тарафидан кафолатланса, улар бехудага Биржага мурожаат қилишларини ва юқорида келтирилган хара-

## Таъминотчининг савдога кириб бориш жараёни



жатларни тежалиши борасида қайғурадилар. Ушбу жараён кафолатлиниши учун шартномада белгиланган тўлов маблағларнинг: бир қисмини олдиндан тўлаб беришлари кўзда тутилади. Шартома амалга оширилган ҳолда, ушбу кафолат маблағи ўзаро ҳисоб китоб жараёнида инobatга олинади.

Бюджет ташкилоти кафолат сифатида Шартномада белгиланган сумманинг 0.15% жойлаштиради, ва битим амалга оширилган ҳолда бу сумма биржа ва брокернинг комиссиян тўлови сифатида фойдаланилади.

Таъминотчи ўзининг кафолатларини 3% ҳажмда жойлаштиради. Битим амалга ошган ҳолда 0.15 % комиссиян тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Кафолат маблағлари қуйидаги реквизитларга ўтказилиши режалаштирилгандир: АЖ УзРТСБ, ҳ/р. 20208000700600257040, МФО 00491, ОПЕРУ АББ «Трастбанк» Ташкент ш., ИНН 200933985. iPAY.uz тизимида ҳисобнинг ҳолати ва динамикасини кузатиш мумкин. Давлат харидлари тизимида савдолар бўйича кафолатлар сифатида шу маблағлар фойдаланилади. Ахборот порталидаги квитанциялар намуналарида (“Кўп фойдаланиладиган ҳужжатлар” бўлимида) бу ҳол акс эттирилган.

Ташкилотлар томонидан iPAY.uz ҳисобига УзРТСБнинг 20208000400600257666 ҳисоб

рақамига ўтказилган маблағлар давлат харидлари мақсадларида фойдаланилмайди.

Ташкилотлар харид қилаётган товарлар одатда лотларга тақсимланади. Лот қандай тузилиши савдода қатшаётган ташкилотлар ва таъминловчилар учун муҳим тушунча. Лот бу биржа терминологиясида битим предметини англатади. Масалан, агар ташкилотга дазмол ва гугурт керак бу иккита лот ҳисобланади. Битта лот бу ҳамма дазмоллар, иккинчи лот бу ҳамма гугуртлар ҳисобланади.

Лотларга тўғри тақсимлаш таъминотчиларга нархларни сезиларли даражада пасайтириш ва эҳтиёжларни қондириш имконини беради. Брокерлар клиентларга товарларни лотларга бўлиш тартибини тушунтиришлари зарур. Агар ташкилотга таъмирлаш керак бўлса, ва бунда қурилиш, пардозлаш ва бошқа материаллар таъминотчидан олиш режалаштирилса, бу ҳолда материалларни алоҳида лотларга тақсимлаш, ҳамда таъмирлаш хизматини алоҳида лотга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Лотларнинг сонини кўп бўлиши нархларни пасайтириш имконини бериши мумкин.

Лотларга бўлиниш натижасида лотлар кўпайиб кетиб уларнинг қиймати 300 АҚШ долларига тенг қийматдан пасайиб кетса, уларни электрон савдо орқали сотиб олиш мумкин эмас деган хулосага келиш керак эмас. 300

Расм 1. Товарларни электрон савдолар асосида харид қилиниши



АҚШ долларига тенг қийматдан кам бўлган лотларни электрон савдо орқали сотиб олиниши тақиқланган эмас. Албатта харид қилинаётган товарлар нархи хаддан ташқари арзон бўлса, уларнинг олди-сотдиси билан боғлиқ харажатлар қопланмаслик хавфи мавжуд. Яъни биржанинг ва брокерларнинг ўзларининг зиёнига фаолият юритишларини олдини олиш мақсадида, бундай савдоларни имкон борича чеклаш, иқтисодий нуқтаи назардан самаралироқ ҳисобланади.

Келтирилган ҳисобларни амалга оширишда брокерлар ва биржанинг даромад улушини инobatга олиш мақсадга лойиқ.

Савдода қатнашаётган ташкилот ва таъминотчилар, яъни ҳар икки томонлар комиссиян тўловларнинг ҳажми 0.15%ни ташкил этиб, унинг 0.1% брокерники, 0.05% биржаники ҳисобланади. Комиссион тўловлар кафолат суммасидан олинади.

Брокер ва биржа комиссиян маблағларни автоматик равишда олишади, уларни ўтказиб бериш зарурати йўқ.

Ушбу комиссиян даромадлар биржа ва брокерларнинг барча харажатларини, бино ва турли асосий воситаларининг амортизациян тўловлари, коммунал харажатлари, солиқлар, интернет ва бошқа барча харажатларини қоплаши керак.

Буюртмачи ташкилотлар ва таъминотчи ташкилотлар, биржа орқали давлат хариди ишларини амалга оширишлари учун биржа қатнашчилари рўйхатидан ўтишлари керак.

Буюртмачилар (Бюджет ташкилотлари) маълумотлари тизимга киритиб бўлинган ва улар билан операциялар “мижоз ҳисобини бошқариш” тизими орқали брокер томонидан амалга оширилади.

Таъминотчилар iPAY.uz ва UZBEX.COM

тизимларида рўйхатдан ўтказилади. Давлат харидлари савдо тизимида ҳисоб ёзувлари ушбу тизимлардан олинади.

Битим амалга оширилгандан сўнг брокер мијозга икки томон брокерларининг муҳрлари, битим иштирокчиларининг реқвизитлари, кичик бизнес маҳсулотлар савдоси Маркази ва ЎЗР товар хом ашё биржаси маклериатининг муҳрлари қўйилган савдолар баённомасидан кўчирмани тақдим этади. Бундан кейин, таъминотчи ва харидор ўзаро боғлиниб жараёни ва битим бўйича ҳисоб-китобларни мустақил тугатишади.

100 минг АҚШ долларидан ортиқ суммадаги тендерларда қатнашиш алоҳида тартибга кўра амалга оширилади. Тендерларда қатнашиш учун, авалам бор, таъминотчилар Давлат харидлари ахборот порталидаги тендерлар ўтказилиши бўйича рўйхат билан танишиб чиқишлари керак.

Тендерда қатнашиш учун буюртмани тендер бўйича тартиб-қоидаларга биноан бериш мумкин. Бундан ташқари, аввал рўйхатдан ўтилган бўлса онлайн режимда тендерларда қатнашиш бўйича тегишли ҳужжатларни олиш мумкин. Логин ва паролни кўрсатган ҳолда зарур ахборотни олиш мумкин.

Электрон савдо орқали қуйида келтирилган товарлар сотиб олинади:

Товар(иш, хизмат)лар рўйхати қуйидагиларда берилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2011 й.даги ПҚ-1475 сонли Қарорига №3 ва №4 иловалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссиясининг 28.02.2011 й.даги №1-сонли баённомасига 3-илова.

Ушбу иккала ҳужжат Давлат харидлари бўйича ахборот порталида мавжуд.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги 07.02.2011 й. N ПҚ-1475-сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси «Ўшартномасавдо»ни тугатиш ҳамда Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси - «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш тўғрисида»ги 28.02 1994 й. N ПФ-772-сонли Фармони
3. [davlatxarid.uz](http://davlatxarid.uz)
4. [goszakupki.uz](http://goszakupki.uz)
5. [www.uzex.com](http://www.uzex.com)